



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 8 август, № 157 (4567)

Жума

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПЕКИНДАГИ XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИА УЙИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2008 йил 8 август куни Пекинда ўтажак XXIX ёзги Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этади.

Туркия телетомошабинлари орасида оммабоп бўлган «Sinir otesi» («Хорижда») ахборот-таҳлилий дастурининг махсус сони Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланди. Бир ярим соат давом этган дастур Туркиянинг етакчи телеканалларидан бири — «Канал-А» эфиринда намойиш этилди. Миллионлаб телетомошабинларга эга бўлган мазкур телеканал кўрсатувлари жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатларига узатилади.

Мехмет Эрол:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ПУХТА ЎЙЛАНГАН ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА»

Дастур муаллифи ва бошловчиси — Туркиянинг танқили сиёсий шарҳловчиларидан бири, Ҳозир давлат университети халқаро муносабатлар факультети ўқитувчилар кенгаши аъзоси, Марказий Осиё минтақаси бўйича эксперт Мехмет Эролдир. У 2007 йил 23 декабрь куни Ўзбекистонда бўлиб ўтган президент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган ҳамда жорий йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги» мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган.

Ўзбекистон билан Туркия муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари ҳақидаги батафсил маълумотлар ҳавола этилди.

Дастурни очар экан М. Эрол, жумладан, шундай деди: «17 йил — амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш учун етарли бўлган давр. Шубҳасиз, Ўзбекистон Марказий Осиёда энг муҳим аҳамият касб этадиган мамлакат. Бу нафақат унинг жүрғурий жойлашуви, аҳоли сони, табиий захиралари ёки илмий ва ишчи кучи салоҳияти билан, мамла-

кат раҳбарияти мустақил тараққиётни таъминлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсат юриётгани билан ҳам изоҳланади. Зеро, жаҳонда глобаллашув жараёни кенгайиб бораётган бир шароитда мустақил тараққиётга эришиш кўпга ёш давлатлар учун осон кечмаётгани аниқ.

Дастур чоғида томошабинлар эътиборига Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган 17 йили давомида мамлакатда эришилган натижалар, халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, ислохотлар, шунингдек,



17 йил
(Давоми 2-бетда).

ОНА ЗАМИНИМИЗ САХОВАТИ эл дастурхонига файзу барака киритмоқда

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

Президентимиз ташаббуси билан мамлакат қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизда ташкил этилган фермер хўжаликлари эришаётган ютуқлар бунинг ёрқин далилидир.

Агар йўлингиз тушиб, Китоб туманидаги Очамайли қишлоғида бўлсангиз, тажрибали боғбон Соҳиб Ашуров бошчилик қилаётган фермер хўжалигида етиштирилган олмалар бир-бирдан ширин ва маза-ли эканлигига тан берасиз.

«Очамайли боғлари» деб аталувчи мазкур фермер хўжалигининг 10 гектарлик олмасорида айни кезларда гарқ пишиқчилик. Ун икки нафадан иборат хўжалик аъзолари «Семеренко», «Крепсан», «Гольден» каби навли олмалар ҳосилини йиғиб-териб олиб, қутилларга жойлаган ҳолда, пешма-пеш харидорларга жўнатмоқдалар.

— Мавсумда ўн беш тонна олма етказиб бериш юзасидан тайёрлов корхоналари билан шартнома тузганмиз, — дейди фермер. — Шу кунга қадар 10 тонна мева топширилди. 4 тонна боғ неъматини эса Китоб деҳқон бозорига чиқарилди.

Фермернинг келгуси режалари янада улкан. У олма навларини кўпайтириш, ҳосилдорликни ошириш билан бирга, мевани қайта ишлайдиган кичик цех барпо этишга ҳозирлик кўрмоқда.

СУРАТДА: мева терувчи Гулноз Отамуродова.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.



АХБОРОТ — КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳномалигида барча фаоллик соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) энг сўнги ютуқларини жорий этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ахборот маконини шакллантириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонда ўз аксини топган. Бу борада 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, босқинча-босқин амалда татбиқ этилмоқ-

да. 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокамасига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органларига компьютер ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда компьютер техникаси ва ахборот технологияларидан ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув фаолиятида амалий фойдаланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳозир алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси замонавий ахборот технологиялари негизда жадал ривожланиб бораётган. Бугунги кунда республикамиз шаҳарлари ва туман марказларидаги барча тармоқлар рақамлаштирилган бўлиб, аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларга юқори сифатли шаҳарлараро телефон алоқа ва маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатилмоқда. Барча жойларда энг янги АКТ жорий этилмоқда, Интернетдан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда, уяли алоқа компаниялари

абонентлари ҳам кўпаймоқда. Бу соҳада қисқа вақт ичида мамлакатимизда жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, одамлар турмуш даражасини ошириш бўйича асосий воситалардан бири ҳисобланган АКТ соҳасида ҳам сезиларли туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бу Халқаро телекоммуникация иттифоқи раҳбарияти томонидан АКТ бўйича ўтган йилги саммитда ҳам қайд этилди. Бундай саммитлар Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида Ўзбекистонда ҳар йили ўтказилади. Халқаро телекоммуникация иттифоқи 2015 йилда Ер шарни аҳолининг қарий ярмига

(Давоми 2-бетда).

АВГУСТ ОЙИ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

Биз сув оладиган Норин-Қорадарё ҳавзасида бу йил оби-ҳаёт 30-35 фоиз кам. Ваҳоланки, ғўзани ғўза қиладиган ҳам, супургига айлантирадиган ҳам сув. Шу боис ҳозир сувчининг қимлиги, нималарга қодирлиги аён бўлади. Уста сувчи, албатта, деворга илиб қўйган тошфонарини қўлга олиб, тунда экинни «шарбат» усулида сугоради.

ТЎҚ КЎСАК ТОШ БОСАДИ



«Шарбат» экиннинг чанқоғини босади, унинг ривожига, ҳосил тўплашига қувват бағишлайди. Намни узоқ вақт ушлаб туради. Шарбатга қонган экиннинг чигити тўқ бўлади. Мағзи тўқ кўсак эса тош босади.

Шу кеча-кундузда механизаторнинг сергаклиги, жонсарақлиги ҳам сувчиникдан асло кам бўлмаслиги керак. Нега деганда, у ўз агрегати-га химоя тўсиқларини ўрнатиб, ғўза қатор ора-ларини шамоллатиш чоғида биз кўрмаган намликни, сувталаб пай-кални тез илғаб олади.

Яна шуни унутмаслик керакки, ҳар бир фермер механизатор билан ёнма-ён эгат орала-маса, ғўзага қандай ишлов берилаётганини билон-майди. Сувчи билан сув тарамаса, экин қандай

ҳосил тўплаётганини ҳис эт-майди. Эрта-лаб ёки кун қайтгандагина дала айланадиган фермер фермер эмас. Ҳақиқий деҳқон даласини қўш-нинг тигида ай-ланади. Шу вақтда ғўза ўзи-нинг ҳақиқий аҳолини намоён этиб, дардига даво сўрайди.

Кузатишлардан маълумки, баъзи бировлар башорат қилаётгани-дек, зараркундалар қаттиқ қишда қирилиб кетгани йўқ. Ҳар туп ғўзада 8-10 тадан кўсак пайдо бўлганига қара-май, кўсак қурти кама-лаги ҳамон учиб юриб-ди. Шундай экан, гек-тарига бир граммдан трихограмма қўйиш билангина хавфининг ол-дини олган бўламиз. Бракон қўйилишини ҳам унутмаслигимиз ке-рак. Шундагина йил — ўн икки ойда қилган меҳнатимиз ўз самара-сини беради.

Аъзамжон ДЕҲҚОНОВ,
Шаҳрихон туманидаги
«Тўқин ғаллакор
замини» фермер
хўжалиги раҳбари.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

«Жиззах пластмасса» ОАЖда жаҳон миқёсида тобора кенг қўлланилаётган пластмасса қувурлари ишлаб чиқариш тури 8 тага етди.

Чет элда ҳам ноёб
Жамоа йилнинг ўтган даврида 4 миллиард сўмлик яқин маҳсулот тайёрлади.
Корхонада қатор ташкилотлар билан шартномалар тузилмоқда. Бу ерда чиқариладиган катта диаметри қувурлар нафақат мамлакатимизда, балки хорижий элларда ҳам ўта ноёб маҳсулот ҳисобланади.
Жиззахлик сановатчилар ўз маҳсулотларини камидан 50 йилга кафолатлашмоқда.
Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўргон
Когон туманидаги Геофизика кўргониди замонавий спорт мажмуаси барпо этилмоқда.
Лойиха қиймати 400 миллион сўм бўлган мазкур иш-отни «Ўзбекгеофизика» акционерлик жамиятининг «Бухоро геофизика экспедицияси» филиали ўз ҳисобидан қурмоқда. Бокс, волейбол, баскетбол, кураш каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш учун барча қулайликларга эга ушбу мажмуа кўргонда яшовчи йигит-қизларга Ёшлар йиллида муносиб тўхфадир.
Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Завод ишга тушди
Кўнғирот туманида бир кеча-кундузда 20 минг дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга янги завод ишга туширилди.
«Кўнғирот ғишт» масъулияти чекланган жамияти деб номланган ушбу корхонага Хитойдан келтирилган «Баушин инвас» ЖКР-35 русумли янги ускуна ўрнатилди.
Заводнинг дастлабки сифатли ғишлари Кўнғирот сода заводи жойлашган Элобод шаҳарчасидаги турар жой қурилишлари, мактаб ва коллеж бунёд этишга жўнатилмоқда. Бу ерда 50 нафар ёш йигит-қиз иш билан таъминланди.
Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Нуронийлар саёҳатда
«Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг Сурхондарё вилояти бўлиmlари ташаббуси билан мамлакатимиздаги қадимий ва навқирон шаҳарларни, зиёрат қилиш, ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишмоқ учун 200 нафар нуроний Тошкент, Самарқанд ва Хива шаҳарларига саёҳатга жўнаб кетди.
Вилоят ҳокимлиги ушбу мақсадда 20 миллион сўм маблағ ажратди. Саёҳатчилар таркибиде уруш ва меҳнат фахрийлари, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маҳалла фаоллари ва шифокорлар бор.
Санд МАЛИКОВ.

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ КЎПАЙДИ

2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,3 фоизга кўпайиши таъминланди.
Етакчи сановат тармоқларидаги корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли шундай ижобий натижага эришилди.
Бир рақам шарҳи

Бугун "фуқаролик жамияти" тушунчаси турмушимизга сингиб кетди. Чунки ҳаётимизнинг барча жабҳасига фуқаролик жамияти институтлари чуқур кириб борди ва мустақам ўрин эгалламоқда. Сийёсий партиялар, маҳаллалар, хайрия жамғармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат фондлари мамлакатни янгилаш ва

демократлаштиришда муҳим кучга айланди.
Муҳбиримизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал САИДОВ билан қилган суҳбати ҳам айти шу мавзуда бўлди.

ОЧИҚ ВА ОДИЛ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИ

— Акмал Холматович, фуқаролик жамиятини барпо этиш Истиқлол йилларидаги пировард мақсадларимиздан саналади. Бу соҳанинг мутахассиси, қолаверса, кечайтган ислохотларнинг бевосита иштирокчиси сифатида ушбу янгиликларнинг асосий омиллари ҳақида гапириб берсангиз.

— Авваламбор, мустақиллик йилларида амалга оширилган барча ислохотлар замирида инсон ва унинг манфаатлари ётганлигини айтиш зарур. Эро, фуқаролик жамияти институтларининг асосий вазифаси ҳам демократик кадрлар ва таълимчиларни, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир. Бундай институтлар фуқаролар ижтимоий фаолиятини ошириши, миллий ўзлигини янгилаш, сийёсий маданият ва юксак маънавиятни шакллантиришга хизмат қилмоғи керак. Шу маънода сийёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти асосий кучи саналади. Негаки, турли ижтимоий гуруҳлар ва аҳоли кенг қатламлари манфаатларини ҳимоя қилганда мустақам жамоат секторини ривожлантириш туриб, кучли очик фуқаролик жамияти ҳақида гапириш мумкин.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг илк кунларидан фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур ва дадил қадамлар ташланди. Дастлаб фуқаролик жамияти институтларига тегишли ҳуқуқий-таълимий, моддий шарт-шароитлари яратилди, улар фаолиятини юридик қаролатиш, самарали ишлашга замин яратиш мақсадида фуқаролик жамияти институтларига оид қонунийлик тизimini яратди. Жумладан, Асосий Қонунимиз — Конституциянинг 13-бўлими "Жамоат бирлашмалари" деб номланган ва тўғрисида унга бағишланган фуқаролик жамияти институтларига

қаратилган эътиборнинг нечоғли катта эканлигини дарак беради. Шунингдек, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Сийёсий партиялар тўғрисида", "Жамоат фондлари тўғрисида", "Ҳомийлик тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида", "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сийёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қаролатиш тўғрисида"ги қонунлар ҳам бевосита фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий негизлари белгилаб берилди. Мисол учун, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунда, ННТнинг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва мажбуриятлари, давлат органлари билан ҳамкорлиги, уни ташкил этиш ва фаолият юридик мезонлари мустақамланган. Хусусан, унда давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиши кераклиги белгилаб қўйилган.

— Жамоат секторига ННТ — нодавлат нотижорат ташкилотлари асосий ўрин тутди. Бугун улар қандай юмушлар билан банд? Уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қай йўсинда амалга оширилмоқда?
— Истиқлол йилларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони ва фаолият кўлами муттасил ошиб бормоқда. Агар 1991 йилда уларнинг сони 200 атрофида бўлса, 2000 йилга келиб 2300 дан ошди. Бугун эса 5 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият олиб бораётир. Улар орасида ёшларнинг "Қамолот" ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Фермерлар уюшмаси, Савдо-санот палатаси, "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун", "Сен ёлғиз эмассан", "Меҳр

нури", "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармалари сингари қўллаб-қувватлаш мамлакат демократик ислохотларда катта амалий ишлари бажармоқда. Мазкур ташкилотларнинг 40 фоизга яқини фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, 14,2 фоизи аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал этиш, 13,6 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим ва экология, яна 12 фоизи бошқа долзарб масалалар билан машғул.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамиятдаги муаммоларни ҳал этишда ўзига хос ёндашув ва услубларга эга.

▼ Парламент ҳаёти

Бу эса муаммоларнинг самарали ечим топишига замин яратаяпти. Дейлик, Сирдарё вилоятида "Хулос" ёшлар маркази бор. Унинг мақсади оддий: ёшларни фаолаштириш, ижтимоий-сийёсий билимларини кенгайтириш ва шу йўл билан уларнинг аҳолини яхшилашдир. Бу мақсадга эришишда турли йўллар, усуллардан фойдаланаётир, энг муҳими, ёшларни ўз атрофида жалб этмоқда. Мисол учун, унинг компьютер марказида гулистонлик йигит-қизлар замонавий ахборот технологияларидан бепул сабоқ олишмоқда, Интернет орқали дунё билан тиллашмоқда.

Ёки Тошкент шаҳридаги "Фаол" ёшлар ташкилотини олайлик. Улар маҳалла билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган. Шаҳардаги ёшларга энгил касб-ҳунарлар, яъни сантехника, дурадгорликдан қўнимка бериб, шаҳримиздаги ёлғиз кексаларга ёрдам бериш учун жалб этишди. Ташкилотда ўсимликнинг ўтки дарида юрган йигит-қизлар учун "руҳий мадад" хоналари ишлаб турибди. Айрим муаммолар ичида қолган ёшларга турри йўл кўрсатишда психологлар ёрдами аниқ кўлмақда. Шу ўринда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қаролатиш

тўғрисида"ги Қонуннинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Зотан, ушбу ҳужжат нафақат юртимизда, балки Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам илк бор нодавлат ташкилотларни қўллаб-қувватлашда давлат томонидан ҳам маблағ ажратиш тизimini назарда тутди. Қонунга мувофиқ, давлат ННТни бюджет маблағларидан субсидиялар, грантлар, ижтимоий бу-

юртмалар кўринишида молиялаштириш билан қўйилди. Бугун мана шу норма ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда ва бу борада илк тажрибалар тўпланди: Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳузуридаги Фонд мувофиқлаштируви асосида грантлар танлови йўлга қўйилди. Бултур мана шу танловларда голиб бўлган 59 та ННТ 323,8 миллион сўм миқдорига давлат грантини қўлга киритди. Улар жамиятимизнинг ў ёки бу жабҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг турли ижтимоий қатламларини ҳимоялашда аниқ молиявий дастакларга, имкониятларга эга бўлишди.

Давлат бюджети маблағларининг ўзига яраша тартиб-таомиллари, масъулиятли жиҳатлари кўп. Зотан, халқнинг пешона тери эвазига шаклланган пул ҳолис тақсимланиши, қолаверса, мақсади ишлатилиши зарур. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасига ҳам мазкур масала юзасидан қатор мунозаралар келиб тушди.

Биз мана шуларни инобатга олиб, Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашлирига Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясини тузиш тақдирини билан чиқдик.

— Ҳақиқатдан ҳам, бугун мазкур Фонд ва Парламент комиссиясининг ташкил этилишини мутахассислар ижобий баҳолашмоқда. Ушбу тузилмаларнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Улар нодавлат ташкилотлар учун қандай аҳамиятга эга?
— Юқорида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини учун зарур ҳуқуқий муҳит, асос яратилганини таъкидлаган эдик. Шу билан бирга, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сийёсий ҳаётини демократлаштириш жараёнида уларнинг аҳамияти ҳамда ролини оши-

ришни кучайтириш учун қатор чора-тадбирлар, механизмларни ишлаб чиқиш зарурати туғилган. Чунки, уларни моддий қўллаб-қувватлаш, ўз навбатида, молиявий мустақиллигини таъминлаш зарур эди. Эркин, мустақам, етарли моддий заҳирасига ҳамда мустақил молиялаш манбаларига эга ташкилотгина ўз олдига қўйган мақсадга эриша олади. Айнан мана шу масалаларни ҳал этишда янги ташкил этилган Парламент комиссиясининг аҳамияти катта.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг асосий вазифаларидан бири, аввало, мамлакатимиз Давлат бюджетидан ҳамда қонун ҳужжатларида таъкидланган бошқа манбаларни жалблаш, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг фаолиятини ривожлантиришнинг қаролатишдир. Шунингдек, у долзарб ижтимоий, иқтисодий, гуманитар муаммоларни ҳал этишда уларнинг фаол иштирок этишига қаролатиш дастурларини амалга оширади.

Қолаверса, Жамоат фонди ННТнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, уларга ҳуқуқий, маслаҳат тарзида ташкилий, техник ва бошқа хил ёрдамларни ҳам кўрсатади. Бу борада халқроқ ташкилотлар билан изчил алоқалар ўрнатади.

Парламент комиссияси эса Фонд маблағларини самарали тақсимлашни шакллантириш керак. Бунда у ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг тақдирини пухта ўрганиш, ўз навбатида, истиқболли, ижтимоий ва умумийлиги аҳамиятга лойиқ лойиҳаларни молиялаштиришидир.

Олий Мажлис палаталари Кенгашлирининг қўша қарори ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари кенг имконият эшикларини очди. Биринчидан, юқорида таъкидлаганимиз каби, молиялаштирилган лойиҳаларга маблағлари ҳисобот йили охирида қайтариб олинмайди, балки келиши йилда назарда тутилган мақсадлар учун ишлатилади. Шунингдек, у Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг турри ишлатилиши, ҳолис ва адолатли тақсимланишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, Истиқлол йилларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, уларга жамиятнинг барча жабҳасида эркин ва мустақам фаолият олиб боришлари учун зарур қўлайликлар яратиб берилди. Бу йўналишда ҳуқуқат ҳам, қонун чиқарувчи орган ҳам тегишли қонуний имкониятларни, қораларни изламоқда. Зотан, Юртимизимиз томонидан ичлари сурилган "Қўчи давлатдан — кўчи фуқаролик жамияти сари" гоёсини рўёбга чиқариш бутун фаолиятимизнинг, сийё-ҳаракатларимизнинг пировард мақсадиридир.

К. ХИДИРОВ суҳбатлашди.

Меҳмет Эрол: «ЎЗБЕКИСТОНДА ПУХТА ЎЙЛАНГАН ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузма» ва «Ислохотлар ислохотлар учун эмас, балки инсон манфаатлари учун» — Президент Ислам Каримов ўз сийёсатида айнан шу тамойилларга амал қилиб, мамлакат тарраққиётининг моҳияти ва асосий йўналишини аниқрашан белгилаб берган.

Кўп йиллар мобайнида Марказий Осиё муаммолари билан шуғулланиб келётган ва кўп бора Ўзбекистонда бўлган мутахассис сифатида мен Ўзбекистон раҳбарияти ислохотларни пухта ўйлаб, баландпароз шорларга берилмасдан, янги давлатни шакллантириш жараёнида аҳолининг фаол иштирокини таъминлашни назарда тутган ҳолда амалга ошираётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Агар қилмидир Ўзбекистон ва у эришган ютуқлар ҳақида ҳолисона тасаввур ҳосил қилишни истаса, бу аjoyиб диёрга албатта бориши керак. Ўзбекистоннинг меҳмондўст ва бағрикенг халқи, қўнанд-қўн қирой очиб бораётган шаҳарлари, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобиль ва самолётлар, барпо этилаётган янгида-янги сановат мажмуалари, тўқимачилик корхоналари — ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди.

Шу ўринда Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат манфаатларини жаҳон сахнасида қатъий ҳимоя қилишга қаратилган сийё-ҳаракатларини эътироф этиш даркор.

Ўзбекистон учун халқ тинчлиги ва осийишталлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва ҳаётини ҳимоя қилиш — ҳамма нарсадан устун. Шу мақсадда мамлакат суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди. Бу ҳақида гапириб, меннинг қўллаб-қувватлашим ва таниш ишбилармонлар Ўзбекистон хорижликлар ўзини кечач қонундўз хавфсиз сезиши мумкин бўлган санқузи давлатлардан бири эканига эътибор қаратмоқда.

Инсон ҳуқуқлари — дин ва эътиқод эркинлиги билан узвий боғлиқ бўлган тушунча. Шу боис Ўзбекистон қонун-

чилигида динга эътиқод қилиш ва ўзга дин вақилларига нисбатан ҳурмат ва бағрикенглик билан муносабатда бўлиш тамойиллари мустақамлаб қўйилган.

Қўрсатув давомида Ўзбекистон ижтимоий-сийёсий ва иқтисодий тарраққиётининг асосий босқичлари ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Таъкидландики, миллий манфаатлар ҳамда халқроқ ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат асосидаги алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш тамойиллари мустақилликнинг илк кунларидан республика ташки сийёсатининг асосини ташкил этади. Иштирокчиларнинг сўзларига қўра, айнан мана шу тамойилларга қатъий амал қилиш Ўзбекистон учун жаҳон иқтисодиётига муваффақиятли равишда интеграциялаштириш ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари билан фаол сийёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш имконини бермоқда.

Қўрсатувда Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар, аҳолининг миллий ўзлигини янгилаш ва маънавий қадриятларини асраб-авайлаш ва янада бойитишга хизмат қилган маҳалла институти хусусида ҳикоя қилинди. Шу билан бирга 2008 йилнинг Ўзбекистонда Ёшлар йили деб эълон қилиниши ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида истиқлолнинг илк йиллариданқо амалга ошириб келинган эзгу ишларнинг напийқ давоми бўлгани қайд этилди.

Қўрсатувда, шунингдек, Ўзбекистондаги динлараро тутовулик ва бағрикенглик мавзусига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва фани, қадимий ёдгорликларини асраб-авайлаш ишига қўшган ҳиссаси учун Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқроқ ислом ташкилотини (ISESCO) Тошкент шаҳрини 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилгани алоҳида тилга олинди.

Теледастурда Ўзбекистонда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига тайёргарлик айти қўзғин паллага киргани айтиб ўтилди. Иштирокчилар бу хусусда тўхталиб, истиқлол йилларида Ўзбекистонда дунёга доғи кетган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Қаршининг 2700 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, Марийлон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи кенг нишонланганини қайд этиб ўтдилар. Шу билан бирга, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад ал-Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк ота-боболаримиз — олим мутафаккирлар, давлат арбобларининг юбилейлари муносиб тарзда нишонлангани таъкидланди.

«Жаҳон» АА. Анқара.

▼ Тадбир

Ҳоразм вилоятида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий фаолиятини ошириш мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашлирининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўша қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Маълумки, мазкур қарор асосида Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилган эди. Фонд давлат бюджети маблағларини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий бюрутмалар кўринишида ННТ ва бошқа жамоат ташкилотларига ажратади.

Хозирда Хоразмда 200 дан ортиқ ННТ жамиятимиз ҳаётининг муҳим масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг фаолиги янада ортиши учун имкониятлар яратиш бўлимоқда. Чунончи, янги тузилган Фонд ва Парламент комиссияси ҳам шунга хизмат қилади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Гурлан маҳсулотлари — экспортга



"Муруват Текс" хорижий шўба корхонасининг Гурлан фабрикаси Истиқлолнинг дастлабки йилларида ташкил этилган эди. Мамлакатимизда қулай иқтисодий ҳамда инвестициявий муҳит яратилгани корхонанинг тубдан янгилашига замин яратди.

Ўтган давр мобайнида Германия, Италия, Туркия давлатларидан 19 миллион АҚШ долларлик замонавий дастгоҳлар олиб келиниб, ўрнатилди. Бу эса бугун йилга 4,5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имконини бермоқда. Ўтган йил ичида корхонада 1654 тонна ип-кава ишлаб чиқарилди, режа 130 фоизга урдаланди.

Гурланликларнинг маҳсулотларига хорижда ҳам талаб катта. Буни ўтган давр мобайнида 1 миллион 230 минг АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилинганидан ҳам билиш мумкин.

Ишининг яхши йўлга қўйилгани, даромадининг ўсаётгани ишчи-ҳодимларни ижтимоий ҳимоялашга ҳамда яхши иш шарт-шароитлари яратилишига омил бўлмоқда. Ходимлар уч маҳал бепул овқат, ишга келиб-кейтиш учун транспорт воситалари билан таъминланган.

СУРАТДА: корхона лаборанти Хуршида Худойберганаева.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ (Ўза) олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

замонавий АҚТдан фойдаланиш имконияти билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўзбекистонда ушбу йўналишда самарали чора-тадбирлар амалга оширилди ва салмоқли натижаларга эришилди: бугунги кунда аҳоли фаол қисмининг яримдан кўли, яъни давлат муассасалари, университетлар, коллеж ва лицейлар, мактаблар, бизнес, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда АҚТдан самарали фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон бу борада халқроқ ташкилотлар, жумладан, БМТ Ривожланиш дастури билан яхши ҳамкорлик қилибди, турли қўша лойиҳаларини амалга оширмоқда. "АКТ сийёсати" лойиҳаси шулардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мамлакатни ривожлантириш учун АКТ сийёсатини шакллантириш ва жорий этишда қўмақлашди" (СТР) деб номланган лойиҳа БМТ Ривожланиш дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қўша лойиҳасидир. Ўзбекистон алоқа ва ахборот-лаштириш агентлигининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳукуматимиз томонидан ушбу лойиҳанинг иккинчи органи ҳисобланади.

2005 йилнинг майиндан буён амалга ошириб келинган мазкур лойиҳа БМТ Ривожланиш дастури ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг АКТ-ни ривожлантириш ҳамда улардан фойдаланишга қаратилган сийё-ҳаракатларини бирлаштириш борасида ўзига хос пойдевор вазифасини ўтамоқда.

— Биз тажрибавий ташаббуслар-

ни рўёбга чиқаришга интилоқдамиз, — дейди "АКТ сийёсати" лойиҳаси менежери Санжар Саидхўжаев. — Ушбу ташаббуслар, ўз навбатида, АКТнинг

беғараз асосда электрон бошқарув соҳасидаги ўз товар ва хизматларини сотиш учун шароит яратиш бермоқда, илмий тадқиқотларни амалга

оширмоқда, ахборот ҳамжамиятини ишончли намуналари ҳисобланади. Бу борадаги ишларга шерикларимизни ҳам фаол жалб қилмоқдамиз.

БМТ Ривожланиш дастурининг лойиҳаси электрон ҳукумат, эл домен худудини тақомиллаштириш, электрон рақамли имзо қалитларини рўйхатга олиш марказларини ташкил этиш ва ривожлантириш, телебизнест бўйича тажриба лойиҳалари ёрдамида ҳукумат идоралари, академик муассасалари, маҳаллий ҳамжамиятлар ҳамда кенг донирадаги кишиларга муайян ривожланиш мақсадларига эришиш учун АКТ имкониятларини ўрганишда қўмақлашмоқда.

Ўзбекистонда АКТни жадал ривожлантириш учун давлат ва хусусий сектор сийё-ҳаракатларини бирлаштириш бўйича Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ташкил этилган. Бугун Ўзбекистон ИТ-бозорининг ўнлаб йирик компаниялари ушбу нодавлат нотижорат ташкилотга аъзо бўлди. Ушунга, ўз навбатида, электрон бошқарув бўйича ваколат марказини ташкил этиди. Марказ ҳамкор компанияларга

қўлай жиҳатларини намойиш этишининг ишончли намуналари ҳисобланади. Бу борадаги ишларга шерикларимизни ҳам фаол жалб қилмоқдамиз.

— Биз тажрибавий ташаббуслар-

да"ги қонунлар қабул қилиниб, улар ташкил этиш гоёсини тарқатиш бўйича рақамли имзо қалитларини рўйхатга олиш марказларини имкон борида тез ташкил этиш жуда муҳим эди. БМТ Ривожланиш дастури лойиҳаси ушбу вазифани амалга оширишда фаол иштирок этди. Кўп ўтмай биринчи шундай марказ ташкил этилди. Кейинчалик қалитларни рўйхатга олиш бўйича яна бир нечта, шу жумладан, нодавлат марказ ташкил этилди. Мазкур нодавлат марказ бугун 250 дан ортиқ электрон рақамли имзо сертификатларини топширди.

АКТни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш салоҳиятини оширишга қаратилган сийё-ҳаракатларни талаб қилади. Бу мақсадларга ИТ-тренинглари, семинарлар, давра суҳбатлари ва маслаҳатлар ўтказиш орқали эришилмоқда. Шунингдек, одамлари ушбу жараёнда янада фаол жалб қилиш учун ўқув материаллари ва қўланмалар ишлаб чиқилмоқда. ИТ соҳасида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича семинарлар, Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқитиш тизimini

ҳаракатларни амалга ошириш учун ташкил этиш гоёсини тарқатиш бўйича рақамли имзо қалитларини рўйхатга олиш марказларини имкон борида тез ташкил этиш жуда муҳим эди. БМТ Ривожланиш дастури лойиҳаси ушбу вазифани амалга оширишда фаол иштирок этди. Кўп ўтмай биринчи шундай марказ ташкил этилди. Кейинчалик қалитларни рўйхатга олиш бўйича яна бир нечта, шу жумладан, нодавлат марказ ташкил этилди. Мазкур нодавлат марказ бугун 250 дан ортиқ электрон рақамли имзо сертификатларини топширди.

АКТни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш салоҳиятини оширишга қаратилган сийё-ҳаракатларни талаб қилади. Бу мақсадларга ИТ-тренинглари, семинарлар, давра суҳбатлари ва маслаҳатлар ўтказиш орқали эришилмоқда. Шунингдек, одамлари ушбу жараёнда янада фаол жалб қилиш учун ўқув материаллари ва қўланмалар ишлаб чиқилмоқда. ИТ соҳасида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича семинарлар, Тошкент ахборот технология

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сугурта компанияси зарари

Дунёдаги йирик "American International Group" (AIG) сугурта компанияси йилнинг навбатдаги чорагида ҳам йирик миқдорда зарар кўрганини маълум қилди.

"Bloomberg" телеканали хабарларида айтилишича, компаниянинг учинчи чорада кўрган зарари миқдори 5,36 миллиард АҚШ доллари ташкил этган. Ярим йилликдаги умумий зарар эса 13,16 миллиард АҚШ долларига етган. Мутахассислар фикрича, АҚШ молия бозоридagi бекарорлик сугурта компаниясининг омадсизликка юз тутишига асосий сабаб бўлиши мумкин.

Парранда гриппи аниқланди

Индонезияда парранда гриппи касаллиги аломатлари аниқланди.

Associated Pressнинг хабар беришича, ушбу хасталикка дучор бўлган 13 киши касалхонага ётқизилган. Маҳаллий ҳукумат вакиллари беморларга тегишли муолажалар курсатилаётганини таъкидлади.



Ушбу паррандалари аниқланди, йўқ қилинган.

Эслатиб ўтиш жоиз, олдинроқ мамлакатнинг чекка қишлоқларидан бирида касалликка чалинган бир қанча

Даромадлар камайди


Дунёдаги йирик автомобилсозлик корхоналаридан бири "Toyota Motor Corp"нинг даромадлари жорий йил бошидан буён 28 фоизга камайган.

Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги хабар берди. Компания жорий йилнинг апрель-июнь ойларида қутулганидан 3,23 миллиард АҚШ доллари миқдорига кам фойда кўрган.

Бунга сабаб компания машиналарига АҚШ бозорларида эҳтиёж камаётганидир.

Тропик довул хавфи


Мексиканинг жануби-ғарбига "Эриан" тропик довули яқинлашиб келмоқда.



Қучли бўрон соатига 65 километр (секундига 18 метр) тезликда ҳаракатланапти. Бўронларни башорат қилиш миллий маркази ходимлари табиатнинг мазкур ҳодисаси яна бир неча кун давом этишини маълум қилди.

Янги конституция қабул қилинди

Кеча Мальдив Республикасининг янги конституцияси қабул қилинди.



"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, бундан кейин Мальдивда сайловлар кўппартиявийлик тизимда ўтказилади.

Янги конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, демократик сайлов, мустақил суд тизимлари тўлиқ кафолатланган. Эслатиб ўтамиз, Мальдив Республикасида навбатдаги президентлик сайловлари шу йилнинг 10 октябрь куни бўлиб ўтади.

Шекспирнинг илк театри



Лондон шаҳри яқинида Уильям Шекспир асос солган биринчи театр биноси қолдиқлари топилди.

асарларини Лондон шаҳрида оммага тақдим этгани тўғрисида маълумотлар бор. Демак, топилган бино қолдиқлари бунга яқин келади, деб ёзда "The Times" газетаси. Ушбу театр таъминан 1576 йилда бунёд этилган. Унда Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта" ҳамда "Ричард III" асарлари биринчи марта саҳналаштирилган бўлиши мумкин, деб фараз қилинмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмасса қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш ускуналари ва технологиялари:



- етказиб бериш;
- ўрнатиб бериш;
- ишга тушириш;
- бир йил давомида техник хизмат кўрсатиш.

«POLIMER GROUP ASIA»

Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.
Web: www.powerglob.com
e-mail: info@powerglob.com

Юнусобод туманидаги "Ҳилола" боғчаси пойтахтимиздаги энг намунали тарбия масканларидан саналади. Боғча ҳовлиси озода ва шинам. Турфа гуллар, турли эртақ қаҳрамонлари акс эттирилган тош ҳайкалчалар, алоҳида-алоҳида номлар билан аталувчи махсус майдончалар тарбия муассасасининг кўрғида кўрқ қўшиб турибди.

МЕҲР ВА ТАРБИЯ МАСКАНИ

Жаҳжи кўчалари билан гул баргини авайлаб ушлаганча уни губордан тозалашнинг қизалоқ ёнча чўқалайдими:
— Йоснинг нима, ширинча?
— Мафтун.
— Нима қилапсан?
— Гулларнинг чангини тозалаяпман.

ёшгача бўлган 240 нафар бола ўн икки гуруҳда тарбияланади. Бу ерда уларнинг соғлом ва баркамол ўсиб-улғайиши, билли олиши, хорижий тилларни пухта ўзлаштириши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Ўзбек адабиёти намуналаридан ташқари дунё шеърини, насрий асарларидан ҳам баҳраманд бўлаёттирлар.

— Тарбия масканида рус гуруҳи ҳам фаолият олиб боради, — дейди боғча услубчиси. — Ушбу гуруҳга қатнаётган болаларнинг ўзбек тилига қизиқиши ниҳоятда баланд. Уларнинг она тилида раво сўзлашуви, шеърхонлик қилишлари гувоҳ бўлсангиз, мутахассисларимизнинг бу борада самарали иш олиб боришга таянган амин бўлишимиз мумкин.



Ибрат

— Кейин нима иш қиласан?
— Ҳозир инглиз тили дарсимиш бошланади, боғча орам бугун бизга эллиқдан юзгача сананини ўргатадилар...

Узи жимитдеккина-ю, яна дарсга-ям қатнашади бу қаҳажон! Тўрт яшар қизалоқнинг дон-дона сўзлаши, машғулотлар бошланишини ўзгача иштиёқ билан кутаётганиги беихоҳ ҳавасимни келтирди. Ҳа, бугуннинг болалари шунақа, мурқаклиқданок тил ўрганадилар, ҳунар ва ижодга йўналиштирилдилар, илк қадамлариданоқ маънавий комиллик сари интиладилар.

— Бу ҳақда ўйлаганим сари кўнглимда ажиб бир мамнуният ҳиссини туяман, — дейди мазкур муассаса мудири Руфина Расуллова. — Зеро, Юртбошимиз ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор қаратиш ҳар жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга эканлиги, фарзандларимиз қалби ва онига ёшлиқданок меҳр-оқибатлик, олижаноблик, маънавий комиллик хислатларини сингдириб бориш лозимлиги ҳусусида бежиз гапирмайдилар.

Дарҳақиқат, бугунги тарбия-тарбия масканлари кечаги боғчалардан тубдан фарқ қилади. Зеро, бугун фарзандларимиз бебаҳо қадрият ва аъёнларимиз тўғрисида тасаввурга эга бўлиб, камолга етмоқдалар. Биз ҳўқоя қилаётган муассасада ҳам

Зотан, тарбия масканида "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб-гача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларини амалиётга таъбиқ этиш борасида ибратли чора-тадбирлар қўйилимоқда. Бунинг натижасида, боғча маъмурияти соҳага янги педагогик технологияларни кенг жорий этиш мақсадида аънавий ўтказилиб келинаётган "Энг яхши ўйин майдончаси" кўриктанловига галиб деб топилди. Ва "Ҳилола"нинг барча жонқурлари муносиб тақдирланди.

Аслида, бу ерда ишловчи ходимлардан ибрат олгулик энг асосий жиҳат шуки, боғча тарбиячиларининг болаларга меҳри баланд, мурғаклар уларнинг жону дилига, ҳаёти мазмунига айланган. Улар нимаики тадбирни амалга оширишмасин, бола тарбияси йўлида қандай янги услубни қўлашмасин, энг аввало, ўз ишларига алоҳида меҳр ва эътибор билан ёндашадилар. Шунда, ўз-ўзидан, бари сай-харакатлар ибратга, ўрнакка, намунага айланиб бораверади.

Илҳом ҚАРОМОВ, журналист.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

миллий валютадаги «ЁЗГИ» омонатига пул маблағларини қабул қилиш 2008 йил 1 сентябргача, «БАҲОРГИ» омонатига 2008 йил 1 октябргача ва «КЎКЛАМ» омонатига 2008 йил 1 декабргача тикланганлигини маълум қилади.

Омонатлар бўйича сақлаш муддати тегишлича 45 кун, 3 ва 6 ой.

Фоиз ставкалари — йиллик 17 ва 18 фоиз.

Биз ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишонганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул ҳисоблаймиз!

Қўшимча ахборотни 235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг ҳар қандай филиалидан олиш мумкин.
www.nbu.com Хизматлар лицензияланган

ООО «Росагропромснаб» предлагаєт:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставленную продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставяет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г.Ташкент, Чиланзар, кв.л 6, д. 2 (Ор-р — метро «М. Улғубек») Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

SONATA Ўз йўлингни тнла!

Drive your way

КАФОЛАТ — 2 йил. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Official Partner Tel. 250-11-11

ПЕКИНДА СУРАТЛИ МАКТУБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пекинда бўлиб ўтажак XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг бошланиши арафасида Хитой Давлат кутубхонаси кўргазмалар залида «Этагами халқаро анжумани — Олимпиада-2008, Пекин» суратли мактублар халқаро кўргазмаси очилди.

Тадбир Пекиндаги Олимпиада матбуот маркази, Хитой таълим жамияти, Сучжоу шаҳри халқ ҳукумати, Япония суратли мактублар халқаро жамияти (IES) ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазма дунёнинг саксондан зиёд мамлакатидан келган 170 мингга яқин суратли мактублар намойиш этилмоқда. Ўзбекистон пештахтасидан болажонларимиз томонидан яратилган 900 та асар — суратли мактуб жой олган. Вакилларимизнинг Пекин экспозициясидаги иштироки «Ўзбекистон маданияти ва форуми» жамғармаси ҳамда мамлакатимизнинг Хитойдаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Анжуманининг очилиш маросимида таъкидланганидек, кўргазмаи ўтказиладиган кўзланган асосий мақсад дунё болажонларига Пекинда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида рақиб бўлса-да, иштирок этиш, уларнинг санъатга бўлган қизиқишини юксалтириш ҳамда дўстлик ва биродарлик туйғуларини илгари суртидан иборат.

Кўргазма 20 августга қадар давом этади.

«Жаҳон» АА. Пекин.

Республика Кўчмас мулк биржаси Фарғона вилояти филиали

нархлари ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманларо судининг 2008 йил 23 апрелдаги 1-3026-сонли ижро варақасига асосан, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Марғилон шаҳри, «Тошлоқ-тепа» МФЙни, Ал-Фарғоний кўчасида жойланган Ш.Искандаровага қарашли бино-иштироки қўйилмоқда. Қурилиш ости майдони — 2978,33 кв.м, бошланғич баҳоси — 163 270 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 12 сентябрь кунни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 35-уйда ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан Марғилон шаҳри суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлардан аризалар савдо ўтказилишини бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Фарғона вилояти филиалининг қўйиладиган ҳисоб рақаминга тўлашлари шарт: 20210000700571452023. «Халқ банки»нинг амалиёт бўлими, МФО 00497, ОКОНХ 83300, ИНН 200933850.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 35-уй. Телефон: 224-68-70.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz
Лицензия: DB 001 № 000004.

ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ «ABR PLYUS»

ПРЕДЛАГАЕТ вам топливную аппаратуру и комплектующие НЗТА (Ногинский завод топливной аппаратуры) к широкому спектру дизельных двигателей тракторных модификаций со склада в Ташкенте.

ВЯЗАНЫЕ ХЛОПЧАТОБУМАЖНЫЕ ПЕРЧАТКИ

Гибкая система скидок для оптовых покупателей, а также для покупателей, осуществляющих предоплату за товар.

Тел.: (+99871) 215-51-52, 215-51-53, факс (+99871) 233-18-12 E-mail: ABR-plyus@mail.ru

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ КПД ОТ 79 ДО 90%

а также: КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04 Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127. zakamsk-group@mail.ru

МАДАНИЯТ хабарлари

Термиз шаҳридаги ҳайвонот боғида "Она табиати асраб-авайлайлик" шиори остида кўрғазма ташкил этилди.

Табиатга муҳаббат

Кўрғазмада ёш ижодкорларнинг бетакрор табиат манзаралари, ноб жонзотлар ҳақидаги ҳамда экология мусофоллигини асрашга оид суратлари намойиш этилди.

Бундай тадбирлар ёшлар қалбида она табиатга муҳаббат ҳиссини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Термиз шаҳри маданият уйи ходими А.Шарипов. — Негаки, ёшларимизнинг экологик маданиятини янада ошириш, уларни юртининг ҳар бир қирчи турпоғини асраб-авайлашга интилишини кучайтириш мазкур кўрғазманинг асосий максадидир.

Тадбир сўнггида шаҳар маданият уйи санъаткорларининг мусиқий дастури намойиш этилди.

Ёш санъаткорлар кўриги

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти мусиқали драма ва комедия театрида ёш эстрада хонандаларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.


Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган 40 дан зиёд йигит-қиз ўз истеъодларини намойиш этдилар. Кўриқда ёш санъаткорлар ижро маҳорати, ижодкорлик салоҳияти, сахна маданияти бўйича синовдан ўтдилар. Фалиб ва сўриндорларга ҳомиёлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Хусан БУРҲОНОВ.

Спорт Sport

АЗИЗБЕК — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Избоскан туманидаги ака-ука Мамажоновлар спорт клубининг аъзоси Азизбек Мамажонов юнорум кураши бўйича бир неча нуфузли мусобақаларда мутлақ голибликни қўлга киритган.



У спортнинг мазкур тури билан ўн бир йилдан буён шуғулланади. Ўтган йили ўз вази тоифасида Ўзбекистон чемпиони бўлди, Россиянинг Барнаул шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади.

Азизбек яқинда Тошкентда эркин ва юнорум кураши бўйича ўсимирлар ўртасида бўлиб ўтган Осий чемпионатида ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Финалда ҳиндистонлик спортчидан устун келиб, Осий чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РАКЕТКА УСТАЛАРИ САМАРҚАНДА

Самарқанд шаҳридаги "Динамо" теннис кортида мукофот жамғармаси 35 минг АҚШ доллари тенг бўлган ананавий "Челленжер" халқаро теннис турнири бошланди.

9 августга қадар давом этадиган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан келган таниқли теннис усталари голиблик учун баҳс юритмоқда. Халқаро турнирда тажрибали теннисчимиз Денис Истомин ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда спортнинг бошқа турлари сингари теннис ҳам жадаллик билан ривожланмоқда. Айниқса, Президентимизнинг шу соҳага кўрсатаётган ғамхўрликлари туяфайли Ўзбекистондан кўплаб номдор теннисчилар етишиб чиқмоқда. Бугун Ирода Тулаганова, Оқул Омонмуродова, Денис Истомин, Важа Узоқов ва бошқа теннисчиларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Кувончлики, Пекинда бошланадиган XXIX ёғли Олимпиадада уйинларидан теннисчиларимиздан биринчи бўлиб Оқул Омонмуродова юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Унда иштирокчилар арқон тортиш, стол тенниси, саватчага тўп ташлаш, узоқликка сакраш ва 1,5 километр масофага югуриш бўйича ўзаро беллашдилар.

Яқинда барча шартларни муваффақиятли бажарган 37-маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Содикжон Деҳқоновлар оиласи голибликни қўлга киритди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт Sport

Курама тизма тоғи этакларида жойлашган Иби Сино номидаги ихтисослашган ўрмон хўжалигида доришunosлик саноати учун зарур бўлган 34 турдаги шиғобахш ўсимликлар етиштирилмоқда.

Олинган ҳосилнинг асосий қисми хўжаликнинг ўзида ташкил этилган қадоқлаш цехида қайта ишланиб, дориҳоналарга чиқарилади.

Ўзига хос микроклиматга эга бўлган бу ҳудудда табобатда кенг қўлланиладиган наъматак, арслонқўйруқ, мойчечак, тирноққўл сингари ўсимликлар жуда кўп. Поплик ўрмончилар кейинги йилларда далачоё, тоғ райони, газанда ўт майдонларини ташкил қилишди. Улардан териб олинган гул ва ўсимлик барглари 15 киши ишлайдиган қадоқлаш цехида бежирим кути ва халтачаларга жойланиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилмоқда. Айни чоғда кунига 40 дан ортиқ махсус қўп ҳамда икки мингдан зиёд кутида дориворлар тайёрланапти. Буюртмачилар орасида пойтахтдаги «Шиғобахш» бирлашмаси ҳамда республиканинг қатор йирик дориҳоналари ҳам бор.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for 'SHARK' (ШАРҚ) featuring a shark logo and text about services like 'Tuyxonasi' (Tuyxonasi) and 'Official acceptance' (Официантлар ишга қабул қилинади).

УМР ЭГОВИ

ёки шовқиннинг инсон соғлиғига зарари хусусида

Киши асаб тизими, энг аввало, унинг ақл-заковати ва меҳнат лаёқати-га таъсир этувчи асосий омиллардан биридир. У ташқи муҳит таъсирига нисбатан ўта сезувчан бўлиб, асаб тизимимизга салбий таъсир этаётган омиллар, ҳатто касаллик чакриришгача бориб етиши тиббиётда исботланган. Шундай салбий таъсирлардан бири шовқин бўлиб, ҳаммисиз ҳам унинг саломатлигимизга зарари хусусида ўйлаб кўрмаймиз.

Хўш, шовқиннинг инсон учун зарари даставвал нималарда намоён бўлади? Билинми, бу бош оғриғи, бош айланиши, жаҳддорлик, уйқусизлик, хотира сусайиши каби ҳолатлар кўпинча меъёридан ортиқ шовқин шариотида ишлаш, бир соатдан ортиқ вақт давомида қулоққа чалинувчи кучли товуш оқибати. Яна артериал қон босими хасталигини келтириб чиқаради. Қолаверса, бош миёда қон айланишининг сусайиши, юрак-ишемик хасталиги ҳамда стенокардиянинг тезлик билан ривожланишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан биридир. Шунингдек, бош миё инсулти, айниқса, геморрогик инсултининг келиб чиқишида ҳам аксарият ҳолларда шовқин «айбдор» бўлади.

Шундай экан, нима учун шовқинни камайитириш, ундан имкон қадар ўзимизни ҳрли тутишга ҳаракат қилмаймиз? Тўғри, бугунги ишлаб чиқариш шариотида турли хил қулоқчилар, яъни шовқин-сурон таъсирини камайитирувчи воситалардан фойдаланилмоқда. Лекин оддий турмуш тарзимизда-чи? Баъзан ўзимизга ўзи-



Шифокор оғохлантиради

миз ҳаддан зиёд кучли шовқинни сотиб олмаганимизми-кан? Масалан, орзу-хавас билан ўтказадиган тўю тантаналаримизни олайлик. Фалон пулга санъаткорни тақдир этамиз, хўш нима учун? Унинг дискка ёзиб олинган, қулоқни қоматга келтирувчи куй-қўшиғини эшитиб "хўзуранмиш" учунми? Бу билан ўзимиз билмаган ҳолда, саломатлигимизга зарар етказиб қўямиз, ҳатто унга ўзимиз сабабчи бўлаётганимиз эса асло ҳаёлимизга келмайди. Шу тарзда ўтказилувчи ҳар қандай маросимдан сўнг кучли чарқоқни сезишимиз,

қулоқда шовқин, асаб тарабланганлиги, бош оғриғи, уйқу бузилиши каби белгилар қўзатилиши бунинг исботи бўла олади.

Яна шуни ҳам унутмаслигимиз жоизки, меъёридан ортиқ баланд товуш шаклланиш арафасида турган, саломатлигимизга раҳна солиш хавфи мавжуд бирор-бир хасталикни кучайтиришига хизмат қилади. Ёшларимиз йиғинлари, базмлардаги шовқинлар, турли ёниб-ўувчи чироқлар худди шундай "хусусият"га эга. Бунинг натижасида эшитиш аъзолари, бош миё ва, асосан, миёянинг пўстлоқ қисмида патологик жараён шаклланади. Шовқин-сурон-

Мақсуд АСАДУЛЛАЕВ, Тошкент тиббиёт академиясининг асаб касалликлари кафедраси профессори.

Advertisement for 'Success is a matter of technology!' (Успех-дело техники!) featuring Fujitsu and Siemens logos, a server rack, and text about 'Worldwide warranty 3 years' (Всемирная гарантия 3 года) and 'Made in Germany' (Сделано в Германии).

Large advertisement for Perfectum Mobile featuring the headline 'АКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА! "МИСТЕР БОНУС!"' and 'ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚЎНҒИРОҚЛАР УЧУН ҲАР ОЙ БЕПУЛ 200 ДАҚИҚА'. It includes a cartoon character and contact information for Perfectum Mobile.

Advertisement for 'MIR oboev' (МИР обоев) featuring 'Russian linoleum' (Российский линолеум) and contact information: 'Тел. 234-48-11', 'Факс 234-49-58'.

Advertisement for 'Халқ сўзи' (Халқ сўзи) newspaper featuring 'Народное слово' and contact information for the editorial office and subscription services.